

**Т.С. Расулов- ТДШУ Шарқ
мамлакатлари иқтисодиёти кафедраси
профессори, грант раҳбари
Ш.С. Егамбердиев – PhD, грант иштирокчиси**

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ: КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ, ШАКЛЛАРИ ВА ЎЛЧАШ УСУЛЛАРИ

Ривожланишнинг ҳар қандай шароитида мамлакатнинг миллий ҳавфсизлига таҳдид солувчи ҳавфлардан бири бу яширин иқтисодиётнинг мавжудлигидир. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам яширин иқтисодиётни камайтириш ва унинг оқибатларини юмашатишга қаратилган чора-тадбирлар амлга оширилиб келинаётганига қармасдан, яширин иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияси унинг ЯИМдаги улуши “АҚШ - 6,4 фоиз, Нидерландия – 5,6 фоиз, Франция – 5 фоиз, Германия - 4,6 фоиз, Италия – 4,4 фоиз, Япония, Ирландия ва Швейцария – 12 фоиз”¹ни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда БМТнинг Тарақиёт дастури ташаббуси билан ўтказилган тадқиқотларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, яширин иқтисодиёт мамлакат ЯИМнинг 40-50 фоизини ташкил этаётганини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, "БУЮК КЕЛАЖАК" Халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг маълумотларига кўра, 2019 йилда Ўзбекистондаги яширин иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизини ташкил этди, бу эса минтақада йиллик йўқотишлар 16 ва 17 миллиард АҚШ долларини ташкил этади деганидир. Ушбу кўрсаткич эса ХВФ рейтингига кўра Ўзбекистонни дунёнинг 159 мамлакати орасида 152-ўринда туришини англатади².

Шу ўринда яширин иқтисодиёт нима? Унинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг кўламини қандай баҳолаш мумкин деган саволлар юзага келади.

Биз мазкур мақолада юқоридаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Таҳлил қилинган адабиётлар асосида айтиш мумкинки, яширин иқтисодиёт миллий ҳавфсизликка таҳдид сифатида алоҳида шахслар, шахслар гуруҳи, институтсионал субъектлар ўртасидаги моддий неъмат ва хизматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш юзасидан бўладиган муносабатлар йиғиндиси бўлиб, унинг натижалари расмий статистикада ҳисобга олинмайди ва солиққа тортилмайди.

¹ Европа фрибгарликка қарши кураш ташкилоти (OLAF) маълумоти.

Манба: https://www.google.com/search?q=shadow+economy+in+the+world&rlz=1C1GGRV_ruUZ889UZ889&oq=shadow+&aqs=chrome.0.69i59j69i57j69i59j46j0j69i60l3.9662j0j7&sourceid=chrome&ie=UTF-8

² Б.Хамидов, Ф.Давлетов. Вызовы теневой экономики. 20.02.2020. <https://review.uz/ru/post/vzov-tenevoy-ekonomiki>.

Яширин иқтисодиёт бу – қонун асосида ман қилинган расмий статистикада у ёки бу сабабларга кўра ҳисобга олинмаган иқтисодий фаолият туридир.

Яширин иқтисодиёт – бу моддий неъматлар ва хизматларни иқтисодиёт субъектлари томонидан яширин тарзда ишлаб чиқариш, алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Бу муносабатлар амалда мавжуд, лекин ҳисобга олинмаган, қонунчиликни четлаб ўтиш мумкин бўлган, нолегал даромад топиш усулидир.

Ўзбекистонда яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”, “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сон қарори асосида бир қатор устувор йўналишлар белгилаб берилган. Жумладан, иқтисодиётни хуфёна айланмасини қисқартиришга қаратилган таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, “яширин иқтисодиёт” субъектларини аниқлаш механизмларини такомиллаштириш, ташқи савдода “яширин иқтисодиёт” улушини камайтиришнинг самарали тизимини жорий этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, яширин иқтисодиёт, уни келтириб чиқарадиган объектив ва субъектив омиллар, пайдо бўлиш шакллари ва яширин иқтисодиётни ўлчаш усулларини тадқиқ қилишни мақсад қилдик.

Келиб чиқиш сабаблари ва шакллари.

Яширин иқтисодиёт мавжудлигининг объектив ва субъектив сабаблари бор. **Объектив сабаблари** – бу давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ортиқ аралашуви, қонунчиликнинг номукаммалиги, турли тўсиқларнинг мавжудлиги, иқтисодий фаолият турларини ҳисобга олишнинг методологик ишланмаларини яратилмаганлиги, бизнес муҳитининг яхши эмаслиги, солиқ юқининг юқорилиги ва бошқа объектив ҳолатлардир.

Субъектив сабаблар – бу кишиларнинг иқтисодий онги, қарашлари, камхарж қилиб, кўпроқ даромад топишга интилиши, бунинг учун турли ноқонуний йўллари ахтариши, солиқдан қочиш, ҳатто маънавий маданиятнинг етишмаслиги, коррупцияга мойиллик, тартиб-қоидаларга беписанд қараш ва шунга ўхшаш бошқа субъектив ҳолатлардир. Ушбу сабаблар мавжудлиги ўлароқ, яширин иқтисодиёт моҳиятига кўра бир нечта кўринишларга эга бўлади³.

Яширин иқтисодиётнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

³ Хасанов Р. Яширин иқтисодиёт хавфсизликка таҳдид солувчи ходиса. 03.08.2020. <https://www.review.uz>.

• **яширин ишлаб чиқариш** (ноқонуний, ҳисобга олинмаган, яширин, майда ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариши, сифатсиз маҳсулот чиқариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва бошқалар);

• **яширин тақсимот** (даромадларни ноқонуний тақсимлаш, махсус тақсимот, давлат мулкни талонторож қилиш. фуқароларнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар ва ҳ.к.);

• **яширин айирбошлаш** (ғайриқонуний савдо, харидорларни алдаш, ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ва бошқалар);

• **яширин истеъмол** (ғайриижтимоий эҳтиёжларни қондириш, ноқонуний йўл билан топилган мулкни истеъмол қилиш, хизматлардан ноқонуний фойдаланиш кабилар) ажратилади.


Бозорлар турларига кўра, яширин жараёнлар истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва иш жойлари, ахборот ва технологиялар, капитал кабилар бозорида амалга оширилади. Тармоқ белгисига кўра, яширин иқтисодиёт саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо иқтисодиёти кабиларга ажратилади.

Яширин иқтисодиёт хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса, шу сабабли яширин иқтисодиёт иқтисодий ҳодиса сифатида талқин этилади. Яширин иқтисодиётнинг иқтисодий моҳияти ва ҳуқуқий баҳоланишини фарқлаш зарур. Иқтисодий жиҳатдан бу эркин бозор қонун қоидаларига мос келмаганидан яширин юз берадиган муносабатдир. Бу муносабатда барча яширин унсурларнинг манфаати уйғунлашади. Бу ерда айрим шахслар ёхуд гуруҳлар манфаатининг амалга ошиши давлат ва жамият манфаатларига мос келмаслик ҳисобидан бўлади. Шу сабабдан буни жамият қабул қилмайди, у яширин тус олади. Жамиятга маъқул ҳодисаларни юридик қонунлар тартиблайди. Шунинг назарда тутиб, яширин иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний, қонунлар ман этадиган иқтисодий фаолият деб айтиш мумкин. Яширин иқтисодиёт глобал ҳодиса, ундан зарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин яширин иқтисодиёт даражаси ҳар хил бўлади. Бу яширин иқтисодиёт илдизлари чуқур бўлишидан гувоҳлик беради. Яширин иқтисодиёт сабаблари ҳар хил талқин этилади. Улар объектив ва субъектив бўлишига эътибор берилади. Улар орасида қонунчиликнинг номукамаллиги, демократия тамойиллари ва унинг институтлари ривожланмаганлиги, давлатнинг кучсизлиги ажратилади. Яширин иқтисодиётнинг мавжудлигини иқтисодий тизимнинг ўзидан қидириш керак.

Яширин иқтисодиётни ўлчаш усуллари

Замонавий иқтисодчилар томонидан яширин иқтисодиётни ўлчашнинг бир қатор усуллари ишлаб чиқилган⁴. Уларни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин, микро ва макродаражадаги усуллар (1-расм).

⁴ Николаева М.И., Шевяков А.Ю. Теневая экономика: методы анализа и оценки. – М., 1987; Бокун Н., Кулибаба И. Проблемы статистической оценки теневой экономики. // «Вопросы статистики», 1997, № 7; Попов В.В. Методы измерения теневой экономики и их использование в постсоветской России. // Экономическая теория



1-расм. Яширин иқтисодиётни баҳолаш усуллари⁵

Яширин иқтисодиётни ўлчашнинг микро усуллари. Яширин иқтисодиётни микродаражада ўлчашда бевосита (тўғри) усуллардан фойдаланилади: яширин иқти содиёт миқёсини баҳолаш учун сўровлар, очиқ текширув усули ва иқтисодий-ҳуқуқий таҳлилнинг махсус усулларидан иборат⁶.

1. Сўровнома. Сўров орқали ўтказиладиган тадқиқотлар ижтимоий изланишлар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, аноним интервью усули. Бунда интервьюда қатнашаётган респондентларни шартли равишда 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

- «яширин фаолиятчилар» – нолегал иқтисодий муносабатларни амалга оширувчи ва буни тан олишга тайёр бўлган шахслар;

- «бевосита кузатувчилар» – яширин муҳитда бўлиб, уни ичидан кузатаётган, лекин нолегал битимларда қатнашаётганини қайд этмайдиган шахслар;

- «ташқи кузатувчилар» – яширин иқтисодиётнинг у ёки бу фаолиятига баҳо берувчи респондентлар бўлиб, улар бу фаолиятга қўшилмайди ёки қўшилганини тан олмайди;

- «жабрланувчилар» – яширин иқтисодиёт ва коррупциядан жабр кўрган, лекин яширин фаолият билан боғлиқ бўлмаган шахслар.

Сўров натижалари маълумотларнинг ишонч лилиги нуқтаи назаридан «яширин фаолиятчилар» ва «бевосита кузатувчилар»нинг афзаллигини

преступлений и наказаний. Теневая экономика в советском и постсоветском обществах. / Под ред. Л.М.Тимофеева и Ю.В.Латова. – М., 2002. Вып. 4/2.

⁵ Адабиётлар асосида муаллиф ишланмаси.

⁶ Муминон Н.Г., Жўрабоев И.Б. Яширин иқтисодиётни ўлчаш усуллари. Иқтисодиёт назарияси ва макроиқтисодиёт журнали. 20.02.2016.

кўрсатмоқда. Аммо бошқа икки гуруҳ томонидан берилган маълумот ҳам муҳим саналади.

2. Очиқ текширув усули. Очиқ текширув усулини қўллаш валюта, божхона, банк, солиқ соҳасида, антимонопол қонунчилигини бузиш, ёнғин хавфсизлиги ва санитар меъёрларга риоя қилмаслик каби қонунбузарликларни аниқлаш ва олдини олиш билан шуғулланувчи назорат органларининг ваколатидир. Очиқ текширув усули, масалан солиқ текшируви ёрдамида олинган натижалардан ҳисоб-статистика мақсадларида фойдаланилади.

3. Иқтисодий-ҳуқуқий таҳлилнинг махсус усуллари. Яширин иқтисодиётнинг миқёсини ўлчаш ва уни баҳолаш учун иқтисодий-ҳуқуқий таҳлилнинг махсус усуллари қўллаш муҳим саналади. Ушбу усуллар махсус иқтисодий ва бухгалтерлик кўникмаларини юридик амалиётда самарали қўллаш имконини беради. Иқтисодий-ҳуқуқий таҳлил усуллари қуйидаги 3 турга ажратиш мумкин:

- бухгалтерия таҳлили усули;
- ҳужжатлаштирилган таҳлил усули;
- иқтисодий таҳлил усули.

Бухгалтерия таҳлили усули ҳисобдаги номувофиқлик ва оғишларни аниқлаш учун бухгалтерия ҳисобини (баланс, ҳисоблар ва иккиёқлама ёзув; баҳолаш ва калькуляция, инвентаризация ва ҳужжатлаштириш) тадқиқ этишни назарда тутди.

Ҳужжатлаштирилган таҳлил усулида бухгалтерия ҳужжатларини тадқиқ этиш тушунилади ва ҳисоб ҳужжатларининг ташқи кўриниши ёки мазмунини намоён этиш хусусиятлари ўрганилади. Ҳужжатли таҳлилнинг мақсади ҳужжатлардаги ноаниқликларни аниқлашдан иборат.

Иқтисодий таҳлил усули нормал иқтисодий фаолиятдан четлашиш сабаблари ни аниқлашда ёрдам беради. Иқтисодий кўрсаткичларнинг мос келмаслигини аниқлашда қуйидаги иқтисодий жинойатчиликни аниқлаш усуллари қўлланилади:

- таққослашлар усули;
- махсус ҳисоб кўрсаткичлари усули;
- стереотиплар усули;
- тўғриланадиган кўрсаткичлар усули.

Таққослашлар усулига корхона иқтисодий фаолиятини характерловчи ва бир неча хи собот даврлари учун кўрсаткичлар таҳлили давомида қарама-қаршиликларни аниқ ловчи танланма кўрсаткичлар киради. Қарама-қаршиликлар қуйидаги жуфт кўрсаткичларнинг ўзгаришида аниқланиши мумкин: технологик эҳтиёжлар ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун электр энергия истеъмоли; фойда ҳажми ва маҳсулот ишлаб чиқариш; хом ашё истеъмоли ва маҳсулот ишлаб чиқариш.

Ички таққослаш таҳлилидан фойдаланишда бир қатор муддат учун корхона фаолияти кўрсаткичлари таққосланади. Ушбу усул яширин даромадлар ва пулларни оқлаб олиш жараёнларини аниқлашда самаралидир.

Таққослама таҳлилнинг моҳияти шундаки, солиштирилаётган даврлар учун фойда ҳажмининг ўзгаришлари аниқланади ва ушбу оғишларнинг сабаблари тадқиқ этилади. Агар ушбу ўзгаришларни тушунтириб берадиган ишонарли сабаблар кўрсатилмаса, бу ҳол хўжалик фаолиятидаги салбий ўзгаришлар ва даромадларнинг солиққа тортилишдан яшириш деб тан олинади. Хўжалик фаолиятини текшириш қандай оборотларга эришилганлиги ва натижада қандай даромадлар олинганлиги тўғрисида хулоса қилиш имконини беради. Назоратдаги калькуляция даромадларни яшириш ёки пулларни оқлаб олиш фактини исботлайди.

Махсус ҳисоб кўрсаткичлари усули қуйидагиларга асосланган: ташкилот фаолиятини таҳлил қилиш жараёнида иқтисодий жиноят қилинганда албатта ўзгарадиган ҳисоб кўрсаткичи аниқланади. Махсус ҳисоб номини олган бу кўрсаткич нормал шароитда фаолият юритаётган корхона учун ҳисобланади. Амалдаги ва эталон ҳисобланган махсус ҳисоб кўрсаткичлари ўртасидаги фарқнинг мавжуд бўлиши жиноят содир этилганлигининг исботидир.

Стереотиплар усули иқтисодий фаолиятнинг оддий шароитларида кам учрайдиган ва жиноятчилик ҳодисаларини акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги ғайриоддий боғлиқликларни излаш учун мўлжалланган. Одатда бу усулнинг 5 кўринишини ажратиб кўрсатишади: «қизил байроқ» усули, соф қиймат таҳлили усули, касса камомадини ҳисоблаш усули, пул айланишини ҳисоблаш усули, харажатларни қоплашни ҳисоблаш усули.

«Қизил байроқ» усули энг кўп тарқалган усул бўлиб, содир бўлиши мумкин бўлган қонунбузарликлардан огоҳ этади. Масалан, кайтинг⁷ каби жиноятчиликнинг белгиси – бу: 1) бир киши ёки компанияга мунтазам равишда тез-тез чек ёзиб бериш; 2) чекларни бир кишининг турли банклардаги ҳисоб рақамларига ёзиб бериш; 3) омонатчи томонидан ўзининг балансини текшириб тез-тез мурожаат қилиши ҳисобланади.

Соф қиймат таҳлили усули асосида қуйидаги маъно ётади: маълум бир давр давомида солиқ тўловчи турмуш даражасининг ўсиб кетиши, биринчидан, солиққа тортилиши зарур бўлган даромадлар эвазига, иккинчидан, солиққа тортилмайдиган даромадлар эвазига, учинчидан, бир маротабалик пул даромадлари (ютуқлар, совғалар, мерос ва бошқ.) эвазига амалга ошиши мумкин. Агар ҳисоб-китоб қилинганда мол-мулк ва шахсий истемолнинг ўсиши (қабул қилинган устама ва ажратмаларни ҳисобга олган ҳолда) солиқ тўланган даромадлар ҳажмидан катта бўлса, мол-мулкнинг қўшимча ўсиши

⁷ Кайтинг - инкассациядан ўтмаган суммага чек бериш.

декларация қилинган даромадлар қаторига крмайди ва ноқонуний характерга эгадир.

Касса камомадини ҳисоблаш усули. Бу текширув усулидан касса китобида ҳисобга олинадиган нақд пул маблағлари келиб тушувчи кичик ва ўрта корхоналар тафтиш қилинаётганда фойдаланилади. Кассадаги камомадни ҳисоблашнинг моҳияти шундаки, корхона эгаси кассада мавжуд бўлган пулдан ошиғини бера олмайди. Агар маълум бир муддат ичида амалга оширилган харажатлар кассадаги дастлабки мавжуд сумма ва шу давр ичида келиб тушган пул тушумларидан ортиқ бўлса, бу касса камомади мавжудлигидан далолат беради ва корхонани тафтиш қилишга асос бўлади. Агар касса камомадини асословчи сабаблар кўрсатилмаса, даромадлар яшириляётганлиги тахмин қилинади.

Пул айланишини ҳисоблаш усули даромадлар ва харажатлар таҳлили билан боғлиқ. Пул айланишини ҳисоблашнинг 2 тури мавжуд:

- ишлаб чиқариш ва хусусий соҳага хос умумий пул айланишини ҳисоблаш;

- фақат ишлаб чиқариш ёки фақат хусусий пул тушумлари ва тўловлари ҳисобга олинадиган пул айланишини ҳисоблаш. Пул айланишини ҳисоблаш усули қуйидагини англатади – солиқ тўловчи маълум бир вақт оралиғида даромад сифатида келиб тушаётган маблағдан кўпроқ маблағ сақлай олмайди ва тўплай олмайди. Харажатларни қоплашни ҳисоблаш усули текшириляётган шахсда мавжуд бўлган сумма билан нақд кўринишда амалга оширилган тўловларни таққослашга асосланган. Бу усул пул айланишини ҳисоблаш усулининг содалаштирилган кўринишидир. Харажатларни қоплашни ҳисоблашда солиқ тўловчининг бошқа даромад манбалари ҳам назарда тутилади.

Бу усул солиқ тўловчининг мол-мулки тўғрисида етарли маълумот бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Тўғриланадиган кўрсаткичлар усули. Ушбу усул корхона иқтисодий кўрсаткичлари ва у фаолият юритаётган ташки муҳитни таҳлил этишдан иборатдир. Мисол тариқасида бирор-бир корхона томонидан маълум бир товарни сотиш ҳажми динамикаси ва ушбу товар бозори конъюнктураси ўзгариши таҳлилини келтириш мумкин. Талабнинг пасайиб бориши шароитида маҳсулот сотилишининг сезиларли ўсиши яширин иқтисодий фаолият мавжудлигидан далолатдир. Яширин иқтисодиётни ўлчашнинг макро усуллари.

Яширин иқтисодиётни макро даражада ўлчаш учун билвосита усуллардан фойдаланилади. Улар кўпинча расмий статистиканинг макроиқтисодий кўрсаткичларига, солиқ ва молия органларининг маълумотларига асосланади. Макроусулларга қуйидагилар киради: тафовут усули, бандлик кўрсаткичлари усули («итальянча» усул), монетар усул, технологик коэффициентлар усули,

эксперт усули, таркибий усул, майин моделлаштириш (детерминантларни баҳолаш) усулларидан иборат⁸.

1. Тафовут усули. Бу усул бир хил иқтисодий кўрсаткичлар борасидаги маълумотлар ва статистик ҳужжатларни солиштиришга асослангандир. Ушбу усулдан фойдаланишга мисол қилиб турли усуллар билан ҳисобланган даромадлар ва харажатларни таққослаш; макроиқтисодий кўрсаткичларни альтернатив баҳолаш; товар оқимлари усулини кўрсатиш мумкин.

Даромадлар ва харажатларни таққослаш. Ушбу усулдан хонадон хўжаликларининг барча даромадларини барча харажатлар билан таққослаш орқали фойдаланилади. Кўпчилик ҳолларда даромадлар харажатлардан кам бўлиб чиқади.

Макроиқтисодий кўрсаткичларни альтернатив баҳолаш. Ушбу усулдан билвосита маълумотлар ёрдамида ҳисобланган ЯИМ ҳажмини расмий статистика маълумотлари билан солиштириш ёрдамида яширин сектор ҳажмини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу усулдан фойдаланишнинг классик мисоли бўлиб ХВЖ томонидан Хитойда ўтказилган тадқиқот ҳисобланади, бунда иқтисодиёт индикатори сифатида ва яширин иқтисодиёт миқёсини аниқлаш учун электр энергиясидан фойдаланиш кўрсаткичидан фойдаланилган эди.

Товар оқимлари усули. Бу усулдан статистика хизматлари яхши ривожланган кўпгина Европа мамлакатларида кенг фойдаланилади. Товар оқимлари усулининг асосий мазмуни шундаки, товар оқимлари (яъни, ишлаб чиқаришдан то фойдлангунга қадар бўлган ҳаракат) макрокўрсаткичларни эмас, балки алоҳида муҳим маҳсулотлар ёки товарлар гуруҳини аниқлаш учун қўлланилади.

Ушбу усулни қўллашдан мақсад – мавжуд ахборот базасидаги заиф жойларни аниқлашдир. Масалан, агар бирор товар бўйича ресурслар йиғиндиси (ишлаб чиқариш ва импорт) ресурслардан фойдаланиш йиғиндисидан (якуний ва оралиқ истеъмол + жамғариш + экспорт) кам бўлса, ахборотнинг қайси қисми – ишлаб чиқариш ёки импорт бўйича маълумотлар – ишончлироқдир ва унинг асосида иккинчи қисмни ҳисоблашдир.

2. Бандлик кўрсаткичлари усули («итальянча» усул). «Италян» усули Италия статистика инсти тути томонидан ишлаб чиқилган ва қўлланилади. Ушбу усул яширин иқтисодиёт параметрларини аниқлаш масалаларида кенг қўлланилмоқда. Ушбу усулни ишлаб чиқиш жараёнида мутахассислар ишлаб чиқариш (айниқса, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларида) бўйича аниқ маълумотларни тўплаш жуда мураккаблигини эътиборга олишган. Бунинг асосий сабаби – солиқлар тўлаш базасини яшириш мақсадида ишлаб чиқариш кўрсаткичларини пастлатиб кўрсатишдир. Кичик корхоналар фаолиятини

⁸ Муминов Н.Г., Жўрабоев И.Б. Яширин иқтисодиётни ўлчаш усуллари. Иқтисодиёт назарияси ва макроиқтисодиёт журнали. 20.02.2016.

статистик регистрга киргизиш учун ҳам улардан маълумот олиш жуда мураккабдир. Шу билан бирга Италия иқтисодиёти учун жуда кўп сонли кичик корхоналарнинг мавжудлиги хосдир.

Италиялик статистиклар асосий урғуни ишчи кучи сарфларини ўрганишга қаратишган. Бирламчи маълумотлар махсус ташкил этилган хонадон хўжалигини тадқиқ этиш натижасида олинади. Хонадон хўжаликлари тасодифий танлов асосида тадқиқ этилади. Текшириш жараёнида бериладиган саволлар сўров қилинувчилар томонидан у ёки бу тармоқда ишлаб берган соатлар ҳажми билан боғлиқдир. Ушбу ёндашувнинг ютуғи шундаки, даромадлари тўғрисида сўралмаётган кишиларга ўзининг иш вақти ҳақидаги ахборотни яшириш ёки ўзгартириб кўрсатишга эҳтиёж бўлмайди. Сўнгра ушбу ахборотлар умумлаштирилади ва ишлаб берилган ўртача инсон-кун ўлчовига ўтказилади. Тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш меъёрларини белгилаш учун ҳам ушбу текширувлар ўтказилади.

Ушбу усулнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1) амалдаги ва расмий рўйхатдан ўтказилган бандлик даражаси ўртасидаги фарқ асосида;

2) ҳафта давомида амалда ишлаб берилган иш вақти ва расмий қайд этилган иш вақти ўртасидаги фарқ асосида.

3. Монетар усул. Ушбу усул яширин иқтисодиётнинг муҳим бир жиҳатига асосланади: агар легал иқтисодиётда анчадан бери деярли барча ҳисоб-китоблар нақдсиз пул ёрдамида амалга оширилса, яширин иқтисодиётда битим тузишда нақд пуллардан фойдаланилади.

Ушбу ғоядан конкрет фойдаланишнинг кўпгина вариантлари мавжуд. Булар – пул операциялари ҳажми таҳлили, нақд пулга бўлган талаб таҳлили ҳамда эконометрик усуллар.

Пул массаси ҳажмини кузатиш орқали яширин иқтисодиётнинг ҳажми ва динамикасига баҳо бериш мумкин. Ҳар бир мамлакатдаги пул массаси марказий банк томонидан эмиссияланади ва унинг ҳажми маълумдир.

Аммо ушбу мезоннинг танланиши доимо ҳам тўғри эмас, чунки фойдаланилаётган кўрсаткичлар кўпгина жараёнларга боғлиқдир (масалан, инфляцияга). Бир томондан пул массаси ва тақдим этувчи векселлари ҳажмини, иккинчи томондан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши суръатларини солиштириш ишончлироқдир.

Монетар усулига асосланган яширин иқтисодиётни баҳолашнинг янада мураккаброқ усуллари мавжуд. Бунда кўшимча равишда даромадлар, солиқлар, фоиз ставкалари ўзгариши натижасида ҳамда яширин иқтисодиётнинг фаолияти натижасида нақд пул маблағларининг улуши тебраниб туради, деб тахмин қилиш керак. Ҳисобга олинмаган омилларнинг баҳолалиши яширин иқтисодиёт миқёсини аниқлаш имконини беради.

Норасмий секторда фақатгина нақд пул билан эмас, балки бошқа усуллар билан ҳам тўловлар амалга оширилади. Масалан, бартер айирбошлашувлари, тўлов воситаси сифатида тақдим этувчининг қимматли қоғозларидан фойдаланиш одатий ҳолдир.

Иккала секторда пул айланиши тезлиги бир хиллигини аниқлаш мураккабдир. У норасмий секторда самаралироқ бўлиши мумкин. Норасмий секторда товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчидан тўғри истеъмолчига келиб тушади ва бунинг учун камроқ пул ва вақт керак бўлади. Расмий секторда эса товарлар кўп сонли воситачилар кўлидан ўтиб боради.

4. Эксперт усули. Эксперт баҳолашлардан фойдаланиш мураккаб ва ўрганилган яширин иқтисодиётни ўрганишнинг зарур шарт-шароити ҳисобланади. Ушбу усулнинг мазмуни қуйидагича. Биринчи навбатда эксперт бирор-бир тармоқ бўйича маълумотларга қай даражада ишониш мумкинлигини аниқлайди. Оддий манбалардан маълумотлар тўплангандан сўнг уларни автоматик тарзда маълум даражага ҳисоблаб чиқишади. Экспертлар томонидан эксперт баҳоси услуби ишлаб чиқилади. Ушбу усулни қўллашнинг муаммоси малакали экспертни топишдадир.

5. Технологик коэффициентлар усули электроэнергия ишлаб чиқариш ва истеъмоли, транспортда юк ташиш ва бошқа билвосита енгил ҳисобланадиган кўрсаткичларни расмий маълумотлар билан солиштириш ёрдамида саноат ишлаб чиқариш динамикасини тахминий аниқлашни ифодалайди. Бу усулдан фойдаланиш шарт-шароитлари бўлиб юқори даражада ривожланган бозор муносабатлари, электр энергия ва юк ташишнинг адекват нархлари ҳисобланади. Агар нархлар тартибга солинадиган бўлиб энергиянинг реал қийматини акс эттирмаса ёки имтиёзлар мавжудлиги сабабли электр энергия истеъмоли учун узок вақт пул тўланмаса, электр энергия истеъмоли динамикаси саноат ишлаб чиқариши динамикасидан катта фарқ қилиши мумкин.

6. Майин моделлаштириш (детерминантларни баҳолаш) усули яширин иқтисодиётни аниқловчи омиллар йиғиндиси билан боғлиқ ва унинг ҳажмини ўлчашга йўналтирилгандир.

7. Таркибий усул ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида яширин иқтисодиётнинг ҳажми тўғрисида маълумотни қўллай олишга асослангандир.

Ушбу усуллар ёрдамида мамлакат ЯИМ нисбатан реал яширин иқтисодиёт кўламини аниқлаш мумкин

Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, яширин иқтисодиётнинг кўламини қисқартиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- яширин иқтисодиётни ривожлантиришга сабаб бўлаётган барча омилларни комплекс ўрганиш;

- яширин иқтисодиёт олдини олиш маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида яширин иқтисодиётга қарши кураш миллий стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- яширин иқтисодиётни пасайтиришга хизмат қиладиган янги қонунлар ишлаб чиқиш ва мавжудларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- яширин хўжалик юритувчилар капиталларига амнистияни қўллаш;
- бизнес учун қулай ҳуқуқий ва хўжалик муҳити, биринчи навбатда, солиқ режимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;
- иқтисодиётнинг реал секторига инвестиция киритиш учун қаратилган пул маблағларининг легаллаштирилишини тасдиқловчи юридик институтлар механизмини ишга тушириш;
- электрон ҳукумат, тижорат, хизмат, тўлов ва шу кабиларни тезкор жорий этиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш, уларни амалиётга татбиқ этилишини кенгайтириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикасида “Яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сон қарори. <https://lex.uz>.
2. Хасанов Р. Яширин иқтисодиёт хавфсизликка таҳдид солувчи ҳодиса. 03.08.2020. <https://www.review.uz>.
3. Муминов Н.Г., Жўрабоев И.Б. Яширин иқтисодиётни ўлчаш усуллари. Иқтисодиёт назарияси ва макроиқтисодиёт журнали. 20.02.2016.
4. Николаева М.И., Шевяков А.Ю. Теневая экономика: методы анализа и оценки. – М., 1987.
5. Бокун Н., Кулибаба И. Проблемы статистической оценки теневой экономики. // «Вопросы статистики», 1997, № 7.
6. Попов В.В. Методы измерения теневой экономики и их использование в постсоветской России. // Экономическая теория преступлений и наказаний. Теневая экономика в советском и постсоветском обществах. / Под ред. Л.М.Тимофеева и Ю.В. Латова. – М., 2002. Вып. 4/2. 4.
7. Латов Ю.В., Ковалев С.Н. Теневая экономика: Учебное пособие для вузов. / Под. ред. д.п.н., д.ю.н., проф. В.Я.Кикотя; д.э.н., проф. Г.М.Казиахмедова. – М.: «Норма», 2006. –С. 336.